

Мундарижа:

Банк Бошқарув Раисининг мурожаати

1. Банк ҳақида умумий маълумот

2. Тамойиллар, вазифа ва қадриятлар

3. 2019 йилнинг муҳим воқеалари

4. 2019 йилнинг молиявий натижалари тўғрисида маълумот:

- Мижозлар базаси
- Банк активлари
- Хусусий капитал
- Устав капитали
- Кредитлаш фаолияти
- Чакана бизнес департаменти
- Ташқи иқтисодий фаолият
- Ахборот технологиялари соҳасидаги фаолият
- Электрон тижорат фаолияти
- Кадрлар сиёсати

5. Банкнинг ривожланиш стратегияси

6. Корпоратив бошқарув

7. Аудиторлик хулосаси ва Банкнинг молиявий ҳисоботлари

8. Қўшимча маълумотлар

1. Банк ҳақида умумий маълумот

Акциядорлик тижорат «Алоқабанк» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш, реконструкция қилиш ва уларнинг иш сифатини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 502-сонли Қарорига асосан ташкил қилинган.

АТ «Алоқабанк» универсал тижорат банк сифатида:

2017 йил 21 октябрдаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 48 сонли банк амалиётларини амалга ошириш лицензияси (22.03.1995 йилдаги 48-сонли лицензиясига алмаштирилган);

АТ «Алоқабанк»:

- Ўзбекистон банклари ассоциацияси;
- Ўзбекистон Республикаси валюта биржаси;
- «Аҳолининг банклардаги омонатларини кафолатлаш» жамғармаси;
- «Тошкент» Республика фонд биржаси;
- Ўзбекистон умумдавлат тўлов тизими;
- SWIFT халқаро тўлов тизими;
- VISA халқаро тўлов тизими;
- MasterCard халқаро тўлов тизими;
- UnionPay халқаро тўлов тизими;
- Ўзбекистон Лизинг берувчилар ассоциацияси аъзоси.

Банк тармоғи

Банк томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва ҳар бир вилоятда жойлашган **14** та филиал, **14** та минибанк, **11** та комплекс хизматлар кўрсатиш маркази, **73** та универсал касса, **42** та 24/7 шахобчалари, **3** та жамғарма касса ҳамда **11** та махсус кассалари орқали иқтисодиётнинг реал сектори корхоналари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳамда аҳолига кенг қўламли банк хизматлари кўрсатиб келинмоқда.

Банк рейтинги

Халқаро рейтинг: 87

2019 йилда «Moody's Investors Service» халқаро рейтинг агентлиги
«Алоқабанк» рейтингини яна бир бор қайта тасдиқлади, жумладан:

АТ

- Миллий валютадаги депозитлари бўйича – **B1/NP**;
- Хорижий валютадаги депозитлари бўйича – **B2/NP**;
- Барча кўрсаткичлар бўйича рейтинг прогнози – **«БАРҚАРОР»**;

Миллий рейтинг:

«Ахбор-Рейтинг» миллий рейтинг компанияси миллий шкала бўйича
АТ «Алоқабанк»нинг **«uzA+» («Юқори»)** кредитга лаёқатлилиқ рейтингини қайта
тасдиқлади.

Банкнинг ривожланиш стратегияси.

Банкнинг стратегик мақсади молия бозорида замонавий ва рақобатбардош банк сифатидаги ўз ўрнини сақлаб қолиш, Ўзбекистон Республикаси ҳамда хориждаги иқтисодий ҳолатнинг ўзгаришларига чидамли бўлган банк фаолиятини ривожлантириш ва мустақамлашдан иборат.

Банкнинг 2019-2021 йиллар учун белгиланган ривожланиш стратегияси банк хизматлари бозорида ўз салоҳияти ва рақобатдаги афзалликларидан фойдаланган ҳолда юқори марраларни эгаллаш учун режаларни акс эттирган.

Банк ўз олдига қўйган миссиясини муваффақиятли амалга ошириш йўлида банк хизматлари бозорининг ривожланиш тенденцияларини ҳисобга олиб, келгусидаги ислохотлар йўналишларини таъминлаш учун 2021 йил якунига қадар қўйидаги стратегик мақсадларни белгилаб олди:

1. Мижозларга кўрсатиладиган банк хизматларини сифат жиҳатдан мутлоқ янги поғонага чиқариш, улар билан ўзаро ҳурмат, ишонч ва ошкораликка асосланган манфаатли ҳамкорлик алоқаларини янада мустақамлаш. Мазкур мақсадга эришиш учун қўйидагилар амалга оширилади:

- Мижозларга хизмат кўрсатиш бўйича ходимлар томонидан амал қилиниши лозим бўлган Ягона стандартни ишлаб чиқиш;

- Банкнинг барча филиалларида автоматлаштирилган электрон қурилмаларни (электрон навбат, маълумотлар ва интерактив хизматлар кўрсатиш ойнаси ва ҳ.к.) кенг жорий қилиш;

- Банкнинг реклама компаниясини фаоллигини ҳамда самарадорлигини ошириш;

- Мижозларга тадбиркорлик фаолиятини юритиш билан боғлиқ ахборот ва консалтинг хизматлари кўрсатишни кенг жорий этиш ҳамда уларнинг молиявий саводхонлигини ошириш чораларини кўриш;

2. Базель қўмитаси томонидан белгиланган халқаро андозалар талабларига асосан банкнинг янада капиталлашувини таъминлаш, хусусий капитал ҳамда ресурс базасини ошириш, активлар сифатини яхшилаш, банкнинг молиявий барқарорлигини ва ликвидлигини ошириш.

3. Инновацион технологияларни кенг қўллаган ҳолда етакчи хорижий тўлов тизимлари билан интеграциялашган замонавий чакана тўлов тизимларини ривожлантириш.

4. Банкнинг электрон тижорат соҳасидаги фаолиятини кенгайтириш, мижозлар учун электрон тўловлар ва ҳисоб-китоблар ҳамда банк ҳисобварақларини масофадан туриб бошқариш тизимларини ривожлантириш.

5. Банк ходимларини банкнинг ривожланишига қўшган ҳиссаларига мувофиқ ҳолда рағбатлантириш (KPI) тизимини ишлаб чиқиш орқали самарали бошқариш асосларини такомиллаштириш.

6. Корпоратив бошқарув тизимини халқаро бошқарув усуллари ва тамойиллари, хусусан Базель қўмитаси тамойиллари бўйича ҳамда Корпоратив бошқарув кодексига асосланиб такомиллаштириш.

7. Банк таваккалчиликларини бошқариш тизимини халқаро амалиёт стандартларига мос равишда такомиллаштириш, шу жумладан таваккалчиликларни бошқаришга оид методологик базани кенгайтириш ҳамда таваккалчиликларни бошқариш тизимини автоматлаштириш даражасини ошириш.

8. Хорижий кредит линияларини жалб қилиш орқали банкнинг узоқ муддатли ресурс базасини мустаҳкамлаш ҳамда инвестицион лойиҳалар, инновациялар, импортнинг ўрнини босиш соҳасидаги лойиҳалар, инфратузилма ва телекоммуникацияларни ривожлантириш, экспорт ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш йўналишидаги лойиҳаларни амалга ошириш.

9. Ко-брендинг карталар, контаксиз ва виртуал карталар, кэшбэк ва дисконтли карталар ҳамда кредит карталари каби янги банк маҳсулотларини жорий қилиш орқали банкнинг пластик карталар бизнесини ривожлантириш.

10. Чакана бизнесни ривожлантириш, бунда жисмоний шахсларни кредитлаш, пластик карталар орқали аҳолига турли банк хизматларини кўрсатиш, пул ўтказмалари ҳажмини ошириб бориш.

2. Тамойил, вазифа ва қадриятлар.

Банкнинг юксак вазифаси - ўз мижозларига уларнинг бизнеслари талабларига жавоб берувчи кенг қамровли банк хизматларини юқори даражада тақдим этиш.

Ушбу вазифани амалга оширишда АТ “Алоқабанк” доимий равишда ўзининг корпоратив қадриятларига асосланиб фаолият юритади.

Корпоратив қадриятлар:

Касбий маҳорат. АТ “Алоқабанк” билан иш олиб бораётган ҳар қандай мижоз сифатли хизмат кўрсатилиши ҳамда маҳсулотлардан фойдаланишда энг мақбул қарор ва маслаҳатлар тақдим этилишига амин бўлиши мумкин.

• **Ишончлилик.** АТ “Алоқабанк” банк хизматларининг оммабоплигини оширишни ўз олдига мақсад қилиб қўйиб, мижозлар ва ҳамкорлар билан ўзаро ишонч, очиқ сиёсат ҳамда ҳамжиҳатликка асосланган муносабатларда иш этикасининг юксак меъёрларига риоя қилади.

• **Очиқлик.** АТ “Алоқабанк” фаолияти мижозлар, ходимлар, жамоатчилик ва давлат органлари билан бўладиган очиқ ва самимий муносабатларга асосланган.

• **Қонунийлик.** АТ “Алоқабанк” ўз фаолиятини қонуний асосларга таяниб олиб бориши билан бирга, ноўрин таваккалчилик ва шубҳали (ғайриқонуний) битимлар тузилишига йўл қўймайди.

• **Инновацион ғояларни қўллаш.** АТ “Алоқабанк” доимо ҳар бир мижозга жаҳон миқёсидаги банк иши ва инновацион ғояларнинг энг замонавий ютуқларига асосланган банк маҳсулотлари ҳамда хизматларининг мажмуасини тақдим қилишга интилади.

• **Халқаро ҳамкорлик.** АТ “Алоқабанк” мамлакатимиз корхоналарига чет эл инвесторларини жалб қилиш ва хорижий ҳамкорларга Ўзбекистонда ўзларининг бизнес фаолиятларини амалга оширишлари учун замонавий ғояларни таклиф этади.

• **Самарадорлик.** Ҳар бир операцияни амалга оширишда АТ “Алоқабанк” қисқа вақт ичида меҳнат ва молиявий ресурслардан энг мақбул равишда фойдаланган ҳолда энг юқори натижаларга эришишни кўзда туттади.

Шу билан бирга банк ўз бизнесини қуйидаги тамойилларга таянган ҳолда амалга оширади:

• **Шаффофлик.** Банк доимо фаолиятида содир бўлаётган муҳим воқеалар тўғрисида ишончли маълумотларни тақдим этади, чунки ахборотларнинг шаффофлиги – мижозлар ва ҳамкорларнинг банкка бўлган юқори даражадаги ишончи учун асос ҳамда пойдевордир.

• **Ўзаро ишонч.** Банк ўз мижозларини бизнесни ривожлантиришнинг асоси деб ҳисоблаган ҳолда уларнинг банкка бўлган ишончини қадрлайди ҳамда муносабатларни ўзаро манфаатли шароитларда мустаҳкамлайди.

• **Профессионаллик.** Профессионаллар жамоасини шакллантирган ҳолда банк ўз ходимларининг малакасини мунтазам ошириш учун зарурий шароитларни яратади, уларнинг ижтимоий ҳимояси ҳамда рағбатлантирилиши ҳақида қайғуради.

• **Новаторлик.** Банк мижозларининг талабларига тўлиқ жавоб бериш учун ўтган давр тажрибаси ва бугунги куннинг инновацион ечимларини бирлаштиради.

2019 йилнинг молиявий натижалари тўғрисида маълумот:

Мижозлар базаси

Банк халқ хўжалигининг барча тармоқларида фаолият юритувчи хўжалик субъектлари, кичик бизнес вакиллари, хусусий тадбиркорлар ва аҳолига кенг кўламдаги сифатли молия хизматларини кўрсатиб келмоқда.

Банкнинг кўп йиллик иш тажрибаси, молиявий сиёсати, сифатли менежменти, замонавий технологиялардан фойдаланиши ва хизмат кўрсатишда инновацион ёндашуви миждозларнинг банкка бўлган ишончини доимий равишда ошишини ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик муносабатларининг мустаҳкамланишини таъминламоқда.

Банк ҳамда миждозлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни ўрнатишнинг асосий тамойиллари доимий конструктив диалог, уларнинг муаммоларига ва эҳтиёжларига эътибор қаратиш, тезкор қарорлар қабул қилиш ва ахборотларнинг ошкоралиги ҳисобланади.

АТ «Алоқабанк» хизмат кўрсатишнинг энг юқори стандартларига таянган ҳолда ўз миждозларига кенг миқёсдаги замонавий банк маҳсулотлари ва хизматларини таклиф қилиб келмоқда. Кўрсатилаётган банк хизматларининг сифати ва кўламининг кенгайиши, ҳамкорлик муносабатларининг мустаҳкамланиши ва ривожланиши ҳисобига миждозлар базаси ҳисобот санасига **334 352** тани ташкил қилиб, унинг таркиби қуйидагилардан иборат:

- юридик ташкилотлар – **14 902** та;
- юридик шахс мақомини олмасдан фаолият юритувчи якка тартибдаги тадбиркорлар – **9 057** та;
- жисмоний шахслар – **310 393** та.

Бугунги кунда АТ «Алоқабанк»да электрон терминалларни рўйхатдан ўтказган ҳолда, «ALoqaMobile», «ALoqaBusiness», «Click» ва «Uzcard» тўлов тизимлари орқали тўловларни қабул қилувчи юридик шахслар, пластик карта эгаларига мобиль алоқа воситаси орқали товар ва хизматлар учун тўловларни ҳар қандай масофадан туриб ва исталган вақтда амалга ошириш имконини бермоқда. Ушбу тизимлар орқали мобиль алоқа операторлари, интернет провайдерлар хизматлари, савдо-сервис корхоналари учун тўловларни амалга ошириш имконияти мавжуд бўлиб, тизимлар орқали тўловларни қабул қиладиган ташкилотлар сони ҳамда тўловга мўлжалланган хизматлар сони тобора кўпаймоқда. Бу эса ўз навбатида миждозларга пластик

картадан универсал тўлов воситаси сифатида фойдаланиш ҳамда уларнинг вақтини тежашга имконият бермоқда.

Мижозларга янада қулайликлар яратиш мақсадида «Call center» хизмати орқали банк томонидан тақдим қилинаётган хизмат турлари тўғрисидаги маълумотлар узлуксиз бериб борилиши йўлга қўйилди.

Ўтган йилга нисбатан корпоратив мијозлар базасининг ўсиши АТ «Алоқабанк» ишончли ҳамкор эканлигини ва хизматлар сифатини ошириш бўйича юқори натижаларга эришганидан далолат бериб турибди.

АТ «Алоқабанк» мијозлари учун янги маҳсулотлар ва хизматларни жорий қилишга доимий интилиши, бунда ўз мијозларининг истакларини инобатга олган ҳолда улар билан доимий ҳамкорлик ва уларни олдиндан билишга ҳаракат қилиши ўз самарасини бермоқда.

Мижозлар динамикаси		
Йил	Сони	Ўсиш суръати
2013	238 263	
2014	274 363	115,2 %
2015	333 570	121,6 %
2016	372 595	111,7 %
2017	399 865	107,3 %
2018	382 202	95,6 %
2019	334 352	87,5 %

Корпоратив мијозлар динамикаси		
Йил	Сони	Ўсиш суръати
2013	12 598	
2014	13 820	109,7 %
2015	15 279	110,6 %
2016	18 232	119,3 %
2017	19 812	108,7%
2018	21 735	109,7%
2019	23 959	110,2%

2019 йил 31 декабрь ҳолатига банк мижозлари базаси структураси	
Жисмоний шахслар	310 393
Юридик шахслар	13 374
Якка тартибдаги тадбиркорлар	10 585
Жами	334 352

Банк активлари

Банк томонидан 2019 йилда активлар миқдорини ошириш, мустаҳкам ресурс базасини шакллантириш, ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳамда банк таваккалчиликларини самарали бошқариш сиёсатини қўллаш борасидаги ишлар изчил олиб борилди.

Банк активлари олдинги йил шу даврда **5 846,6** млрд. сўмни ташкил этган бўлса, кўрилган чора-тадбирлар натижасида 2019 йилда **7 341,7** млрд. сўмни ташкил қилди. Бу эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан **125,6** фоизга ўсганини кўрсатмоқда.

АТ “Алоқабанк”нинг **2019** йилги иш фаолиятида активларни бошқаришда юқори ликвидликни таъминлаш билан бирга молиявий барқарорлик ва даромадлиликни оширишга эришилди

Активлар динамикаси		
Йил	Миқдори (млрд. Сўм)	Ўсиш суръати (фоиз)
2013	697,1	
2014	1 009,6	144,8 %
2015	1 217,8	120,6 %
2016	1 574,2	129,3 %
2017	2792,2	177,4%
2018	5 846,6	209,4%
2019	7341.7	125,6%

Активлар таркиби		
Кўрсаткич	Миқдори (млрд. сўм)	Улуши (фоиз)
Кассадаги нақд пуллар	149,9	2,0%
Марказий банкдаги маблағлар	593,3	8,1%
Бошқа банклардаги маблағлар	391,1	5,3%
Кредит қўйилмалар	5 592,9	76,2%
Асосий воситалар ва номоддий активлар	183,8	2,5%
Инвестициялар	38,6	0,5%
Бошқа активлар	392,2	5,3%
Жами активлар	7 341,7	100%

Банк мажбуриялари ва Хусусий капитали

Банк фаолиятининг муҳим стратегик омили – унинг молиявий барқарорлиги, жумладан, барқарор ресурс базанинг шаклланганлиги ҳамда капиталлашув даражасининг юқорилигидир. Банкда узоқ муддатли ресурслар жалб қилиш, депозитлар муддатларини активларниқига мувофиқлигини таъминлаб бориш шунингдек, капиталлашув даражасини доимий ошириб бориш бўйича тизимли ишлар йўлга қўйилган. Аҳоли ва юридик шахслардан жалб қилинган депозитлар миқдори **4 864,2 млрд. сўм** бўлиб, ўтган йилга (3 496,2 млрд. сўм) нисбатан **1 368,0 млрд. сўмга** ёки **120,1 фоизга** ўсган Банкнинг хусусий капитали 2018 йилда **1162,4** млрд. сўмни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2019 йилда **1396,4** млрд. сўмни ташкил қилди.

Банк томонидан капитални ошириш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида, 2019 йил якунига кўра банк капиталининг етарлилик даражаси халқаро банк назорати бўйича Базель қўмитаси томонидан белгиланган талабдан **1,5** баробар юқори бўлди.

Банк хусусий капитали динамикаси		
Йил	Миқдори (млрд. Сўм)	Ўсиш суръати (фоиз)
2013	129,30	
2014	151,50	117,2 %
2015	187,20	123,6 %
2016	215,40	115,1 %
2017	398,40	184,9%
2018	1162,4	292,0%
2019	1396.4	120.1%

Устав капитали

Банкнинг устав капитали ўтган йилнинг шу даврида **884,0** млрд. сўмни ташкил этган бўлса, бугунги кунга келиб ушбу кўрсаткич **107,9** фоизга ўсган ҳолда **953,6** млрд. сўмга етди.

Бу эса ўз навбатида банк томонидан иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини молиявий қўллаб-қувватлашда ўзининг йирик ҳажмдаги маблағларига эга эканлигидан ҳам далолат беради.

Устав капитали динамикаси		
Йил	Миқдори (млрд. сум)	Ўсиш суръати (фоиз)
2013	88,6	
2014	99,0	111,7 %
2015	106,8	107,9 %
2016	117,4	110,0 %
2017	238,6	203,1%
2018	884,0	370,5%
2019	953.6	107.9%

Кредитлаш фаолияти

2019 йил давомида АТ «Алоқабанк» томонидан кредит портфелини диверсификация қилиш сиёсатини қўллаган ҳолда, кредитлаш жараёнларининг асосий йўналишини белгилашда асосий эътибор иқтисодиётнинг устувор тармоқларини ривожлантириш, манзилли ва ҳудудий дастурларга киритилган лойиҳаларни, шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг истиқболли лойиҳаларини молиялаштиришга қаратилди.

Банкнинг 2018 йилдаги **4 743,2** млрд. сўмлик кредит портфели 2019 йил якунида **5 601,8** млрд. сўмга етиб, унинг жами активлардаги улуши **76,3** фоизни ташкил этди. Шунингдек, кредит портфелининг **94,2** фоизини узоқ муддатли кредитлар ташкил қилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлаш бўйича кўрилган чора-тадбирлар натижасида банк томонидан 2019 йил давомида ушбу соҳага йўналтирилган кредитлар ҳажми **1 095,3** млрд. сўмни ташкил этди.

Иқтисодиётнинг устувор тармоқларидаги инвестицион жараёнларни хусусан, модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш билан боғлиқ лойиҳаларни молиявий таъминлаш мақсадида 2019 йил давомида жами **2 950,1** млрд.сўм миқдорида инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришга кредитлар ажратилиб, уларнинг қолдиғи **3 205,4** млрд. сўмни ташкил этди.

Банкда кредитлар ҳажмини ошириш билан бир қаторда, кредит хатарларининг минимал даражасини сақлаб туришга алоҳида эътибор қаратиб келинаётганлиги кредит портфелининг барқарор ўсишини таъминламоқда.

Кредит портфелининг таркиби қуйидагича:

Кредит портфели муддатлари бўйича:

-қисқа муддатли **323,3** млрд. сўм ёки **5,8** фоиз;

-узоқ муддатли **5 278,5** млрд. сўм ёки **94,2** фоиз.

Мулкчилик шакли бўйича:

-хусусий корхоналар ва яқка тартибдаги тадбиркорларга **3 474,7** млрд. сўм ёки **62,1** фоиз;

-давлат корхоналарига **731,4** млрд. сўм ёки **13,1** фоиз;

-нодавлат корхоналарига **18,8** млрд.сўм ёки **0,3** фоиз;

-қўшма корхоналарга **372,5** млрд. сўм ёки **6,6** фоиз;

-жисмоний шахсларга **1 004,4** млрд. сўм ёки **17,9** фоизни ташкил этади;

Юридик шахсларга миллий валютада ажратилган кредитлар **2 886,0** млрд. сўмни ёки портфелнинг **51,5** фоизини, хорижий валютада ажратилган кредитлар **1 711,4** млрд. сўмни ёки портфелнинг **30,6** фоизини ҳамда жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар **1 004,4** млрд. сўмни ёки портфелнинг **17,9** фоизини ташкил этди.

2019 йилда банк томонидан жами **3 100,6** млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилди ҳамда **2 344,8** млрд. сўм миқдоридаги кредитлар график асосида қайтарилди.

Кредит портфели динамикаси		
Йил	Миқдори (млрд. сўм)	Ўсиш суръати (фоиз)
2013	488,9	120,4 %
2014	700,8	143,3 %
2015	947,7	135,2 %
2016	1 101,5	116,2 %
2017	1 632,5	148,2 %
2018	4 743,2	290,5%
2019	5 601,8	118,1%

Кредит портфели таркиби			
№	Кўрсаткич	Миқдори (млрд. сум)	Улуши (%)
1	Саноат	2124,6	37,9%
2	Қишлоқ хўжалиги	213,3	3,8%
3	Транспорт ва коммуникация (алоқа)	153,7	2,8%
4	Қурилиш	270,4	4,8%
5	Савдо ва хизмат кўрсатиш	434,4	7,5%
6	Бошқалар	2405,4	42,9%
8	Жами	5601,8	100%

Чакана бизнес департаменти томонидан амалга оширилган ишлар

Жисмоний шахсларни кредитлаш

2019 йил давомида жисмоний шахсларга жами 546 567,3 млн. сўм кредит ажратилди. Ажратилган кредитларнинг 48,4 фоизи (264 225,2 млн. сўми) автокредитлар, 22,2 фоизи (121 527,3 млн. сўми) ипотека кредитлари ва 29,4 фоизи (160 814,8 млн. сўми) эса истеъмол ҳамда бошқа кредитлар ҳиссасига тўғри келади. Шунингдек, йил якунида жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар қолдиғи 1 004 415,4 млн. сўмни ташкил этди.

Пластик карточкалар

2020 йил 1 январь ҳолатига банк томонидан муомалага чиқарилган пластик карталар сони 503 253 тани (*шундан: UzCard – 266 676 та, UnionPay – 56 722 та, VISA – 132 063 та, Нимо - 47 792 та*) ташкил этди. Шунингдек, йил якунида пластик карталар ҳисобварақларидаги қолдиқ 188 773,06 млн. сўмни ташкил этиб, йил бошига нисбатан 88 657,04 млн. сўмга ошди.

2019 йилда Тошкент шаҳрида 42 та инфокиоск ва 35 та банкомат ҳамда ҳудудий филиалларда 63 та инфокиоск ва 76 та банкоматлар орқали аҳолига хизмат кўрсатилди. Шу билан бирга, ҳисобот йили давомида банк томонидан қўшимча 37 та янги Нимо банкоматлари келтирилиб, банкоматларнинг умумий сони 112 тани ташкил этди.

Банк томонидан 2019 йилда 42 та 24/7 ўз-ўзига хизмат кўрматиш марказлари ташкил этилиб, Uzcard ва Нимо банкоматлари жойлаштирилган.

Валюта айирбошлаш

2020 йил 1 январь ҳолатига жисмоний шахслардан жами 60,7 млн. АҚШ доллари эквивалентида нақд чет эл валютаси сотиб олинган. Бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 133,7 фоизга ошган. Халқаро “VISA” тўлов карталаридан 726,0 минг АҚШ

доллари миқдорида нақдсиз хорижий валюталар сотиб олинган. Бу кўрсаткич эса ўтган йилга нисбатан 154,1 фоизга ошди. Банкнинг барча филиалларида жами 27 та автоматлаштирилган валюта айирбошлаш шохобчалари (банкоматлар) ўрнатилган ва тўлиқ фаолият олиб бормоқда. Ушбу банкоматлар орқали жами 238,3 минг АҚШ доллари миқдорида нақд хорижий валюта сотиб олинган.

Халқаро пул ўтказмалари

2019 йилда Чакана бизнес департаменти томонида янги “RIA” халқаро пул ўтказмалари йўлга қўйилди. Йил якунига қадар 428 076,82 АҚШ доллари миқдорида амалиёт бажарилиб, 2 514,65 АҚШ доллари даромад олинди. Шу билан бирга Республика банклари орасида биринчилардан бўлиб, Ўзбекистон ҳудудида миллий ва хорижий валютадаги “Алоқа Экспресс” пул ўтказмаси амалиётлари жорий қилинди. Бу тизим бўйича пул ўтказмалари кўрсаткичи 2019 йил бошидан 1 582 млн.сўм (2019 йил декабрь ойининг ўзида 13 870,0 АҚШ доллари) миқдоридаги маблағларни ташкил қилди.

Халқаро пул ўтказмалари тизимлари орқали бажарилган амалиётлар 2018 йилга нисбатан сезиларли даражада ўсиш кузатилди. Хусусан, 2019 йил давомида ўтказмалар миқдори 98,8 млн. АҚШ долларини ташкил этди. Яъни, 2019 йилда 2018 йилга нисбатан 2,4 млн. АҚШ долларига (2,47 фоизга) кўпайган.

Аҳоли омонатлари билан ишлаш фаолияти

Банкка аҳолининг бўш пул маблағларини жалб этишни янада рағбатлантириш, пул маблағларини банк айланмаси ва кредитлашга йўналтириш, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини кенгайтириш орқали мижозлар базасини ошириш мақсадида банк томонидан аҳолининг талаб ва истакларидан келиб чиққан ҳолда, янги турдаги жозибадор шартлар асосида банкка бевосита келиб ёки банк мобил иловаси орқали бошқариладиган омонатларнинг турлари ишлаб чиқилиб амалиётга жорий қилинди. 2019 йил “Online sarmoya” ва “Mening oilam” миллий валюта ҳамда “Paritet” хорижий валютада янги омонат турлари жорий қилинди. Аҳоли омонатлари қолдиғи 2020 йил 1 январь ҳолатига 427,6 млрд.сўмни ташкил этиб йил бошига нисбатан 116,4 млрд.сўмга (37,4 фоизга) ошди. Шунингдек, 2020 йил 1 январь ҳолатига банкмизда аҳолининг мобил омонатлари қолдиғи 19,6 млрд.сўмни ташкил қилди.

Ташқи иқтисодий фаолият

Халқаро иқтисодий муносабатлар департаменти Хорижий кредит линияларини жалб қилиш ва хорижий валютада кредитлаш бошқармаси томонидан 2019 йилнинг 12 ойи давомида банкнинг ўз маблағлари ва жалб қилинган хорижий кредит линиялари ҳисобидан хорижий валютада кредитлаш фаолиятини тизимли равишда ташкил қилишга эришилди ва мижозларнинг 200 га истиқболли лойиҳалари молиялаштирилди.

Банк томонидан жалб қилинган Халқаро тараққиёт уюшмасининг чорвачилик йўналишидаги 10 000,0 минг АҚШ долларлик, Халқаро тикланиш ва тараққиёт банкининг мева-сабзавотчилик йўналишидаги 11 500,0 минг АҚШ долларлик кредит линиялари тўлиқ ўзлаштирилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси илк суверен халқаро облигацияларини жойлаштиришдан тушган маблағлар ҳисобидан стратегик аҳамиятга эга бўлган инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш тўғрисида” 2019 йил 2 апрелдаги ПҚ-4257м-сонли Қарорига асосан Молия вазирлиги томонидан жойлаштирилган 43 000,0 минг АҚШ долларлик депозит маблағлари ҳисобидан ҳам мижозларларнинг истиқболли лойиҳалар молиялаштирилди.

Бундан ташқари, жорий йилнинг апрель ойида Хитой Эксимбанкнинг ТИФ “Миллий банк” орқали жалб қилинган 10 000,0 минг АҚШ долларлик кредит линияси ҳисобидан мижозлар томонидан тақдим этилган лойиҳалар молиялаштирилди ва 2019 йил давомида тўлиқ ўзлаштирилди.

Шу билан бирга, 2019 йил апрель ойида Хусусий секторни ривожлантириш бўйича Ислом корпорацияси (ХСРИК) билан келишув имзоланиб, мазкур халқаро молия ташкилотининг 10 000,0 минг АҚШ доллари миқдоридаги молиялаш кредит линияси ҳисобидан Муробаҳа келишувлари асосида мижозларнинг импорт шартномалари молиялаштирилди.

Жорий йилнинг апрель ойида Коммерцбанк (Германия) билан алоҳида лойиҳаларни молиялаштириш бўйича кредит линиясидан фойдаланиш юзасидан Бош келишув имзоланган бўлиб, мижозларнинг йирик инвестицион лойиҳаларини узоқ муддатли молиялаштиришда мазкур кредит линиясидан фойдаланилиши кўзда тутилган. Бугунги кунда кредит суммаси 7 342,5 минг Евродан иборат бўлган 1 та лойиҳа Коммерцбанк томонидан маъқулланган бўлиб, ушбу лойиҳа бўйича 2020 йил 1 январь ҳолатига мазкур ресурс маблағлари ҳисобидан лойиҳанинг 6 364,3 минг Евролик қисми молиялаштирилди. Бундан ташқари, мазкур кредит линияси ҳисобидан молиялаштирилиши режалаштирилаётган бир нечта лойиҳалар ўрганилмоқда.

2019 йил 1 январь ҳолатига банкнинг хорижий валютадаги кредит портфели 94 903,19 минг АҚШ долларини ташкил қилган бўлса, 2020 йил 1 январь ҳолатига 179 840,26 минг АҚШ долларига етган ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1,9 баробарга ўсган ва жами портфелнинг 80 918,56 минг АҚШ долларлик қисми яъни 50,6 %и хорижий банклар ва молия институтлари кредит линиялари ҳисобидан ажратилган.

(Валюта амалиётлари ва халқаро тўловлар бошқармаси)

Халқаро иқтисодий муносабатлар департаменти Валюта амалиётлари ва халқаро тўловлар бошқармаси бошқармаси томонидан 2019 йилнинг 12 ойи давомида банкнинг ҳорижий ҳамкор банклари томонидан ўрнатилган савдони молиялаштириш лимити доирасида, жами 19.10 млн. АҚШ доллари эквивалентидаги 34 та постфин лойиҳалари молиялаштирилган бўлиб, улардан 2019 йилда жами 4.028 млрд сўм даромад олинди.

Ушбу соҳада молиялаштирувчи банкларнинг кўпайгани, мавжуд лимитларнинг ошганини таъкидлаш жоиз. Хусусан, 2019 йил мобайнида Осиё тараққиёт банки томонидан 5 млн. АҚШ долларига берилган кафолат остида савдони молиялаштириш учун ажратилган лимитни 12 млн. АҚШ долларига кўпайтириб берилди. Шунингдек, Banca Popolare Di Sondrio (Италия), ODDO BHF (Германия), КЕВ HANA BANK (Корея) каби дунёнинг юқори классдаги банклари билан Осиё тараққиёти банки кафолати остида молиялаштириш бўйича келишувга эришилди. Шу билан бир қаторда Туркия давлатидан импорт қилиниши кўзда тутилган лойиҳалар учун АКТИФБАНК (Туркия) 2 млн АҚШ доллари миқдорида савдони молиялаштириш лимитини ажратди. 2019 йилда ўтказилган музокаралар натижасида Россиянинг АК БАРС ва Газпромбанк каби банклари томонидан савдони молиялаштириш учун 5 млн.ЕВРО ва 900 млн. рубль миқдорида лимит ўрнатилишига эришилди.

2019 йил давомида ХИМ департаменти томонидан вакиллик муносабатларини кенгайтириш бўйича салмоқди ишлар олиб борилди. Хусусан, ВТБ банк (Россия) да доллар, евро ва Россия рублларида ҳисобрақамлар очилди. Конверсион амалиётлар, банклараро депозит ва бошқа молиявий инструментлар билан операциялар ўтказиш борасида ВТБ ҳамда Сбербанклар билан шартномлар имзоланди ва АК БАРС (Россия) банки ва China Industrial bank (Хитой) билан келишувга эришилди.

Вакиллик муносабатлари соҳасида таъкидлаш муҳим бўлган факт шуки, 2019 йилда Ўзбекистон банклари ичида биринчи бўлиб GPI (Global payment innovations) хизмати йўлга қўйилди. Ушбу хизмат халқаро тўловлардаги шаффофлик, тезлик, мукамаллик сифтлари билан бир қаторда, банк мижозлари учун юқори даражадаги қулайлик яратишни кўзда тутди.

Ахборот технологиялари соҳасидаги фаолият

АТ “Алоқабанк” томонидан мижозларга юқори сифатли замонавий банк хизматларини тақдим этиш орқали банк ҳисобварақларини масофадан бошқариш тизимлари (банк-мижоз, интернет-банкнинг, мобиль-банкнинг, смс-банкнинг ва бошқалар)дан фойдаланаётган мижозлар кўламини кенгайтириш бўйича амалга оширилган ишлар натижасида амалдаги банк ҳисоб варақларини масофадан бошқариш тизимларидан фойдаланувчилар сони 2020 йил 1 январь ҳолатига 164 887 тани ташкил этиб, 2019 йилнинг шу даврига (251 017 та) нисбатан 92 272 тага ёки 36.7 фоизга камайган (14-жадвал).

Банк ҳисобварақларини масофадан бошқариш тизимларидан фойдаланувчилар сони тўғрисида маълумот

(дона)

№	Кўрсаткичлар	01.01.2019 йил ҳолатига	01.01.2020 йил ҳолатига	Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан	
				+ ; -	%
1	Интернет-банкнинг (банк-мижоз) хизматидан фойдаланувчилар	5 882	6 012	130	2.21
	Мобил-банкнинг (SMS-банкнинг) хизматидан фойдаланувчилар	251 017	158 875	92 272	36.7
	Жами:	256 899	164 887	92 272	35.8

Жорий йил давомида Ахборот тизимида қуйидаги ишлар амалга оширилди.

Жумладан:

Жисмоний шахслар учун реал вақт режимида кредит қолдиғи, қарздорлиги, фоизлари бўйича SMS-хабарлар юбориш хизмати йўлга қўйилди.

Бош персоналлаштириш маркази билан алоқа кўтарилиб, ИАБС дастурий комплексида мижозларнинг паспорт маълумотлари олиниб, мижоз карточкаларига автоматлаштирилган тарзда жойлаштирилмоқда. Бу мижоз тўғрисидаги маълумотларни ИАБС дастурида киритишда юзага келадиган хатоликларни олдини олиш имкониятини яратади.

ИАБС дастурий комплексининг VISA пластик карточкаларини яратиш ва молиявий маълумотларини қайта ишлаш дастурининг янги талқини амалиётга татбиқ этилди.

Аҳолига қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида банкнинг жамғарма кассаларида Меҳнат вазирлиги қошида ташкил этилган экспресс-марказларида банкнинг барча хизмат турларини кўрсатиш мақсадида улар зарур дастурий воситалар, компьютер техникалари ва алоқа воситалари билан таъминланди.

Филиалларда мижозларга тезкор хизмат кўрсатиш мақсадида банк компьютер тизимини оптик толали кабеллар билан Марказий банкнинг тўлов тизимига уланиш ишлари давом эттирилмоқда. Жумладан, Қорақалпоғистон, Хоразм, Бухоро, Навоий, Фарғона ва Самарқанд филиаллари ҳисобот даврида уланди.

Банкнинг бугунги фаолиятида иш ҳажмининг ошиши, ИАБС дастурий комплексининг янги модулларини ҳамда пластик карточкалар тизимини янги турларини татбиқ этилиши ҳамда унда онлайн режимида жисмоний шахслар учун маълумотлар алмашинуви амалга оширилиши, банк филиалларида мижозларнинг сонини ошириб бориши ва янги хизмат турларининг татбиқ этилиши ҳамда банк фаолиятини узлуксизлигини таъминлаш мақсадида янги ИАБС дастурий комплексига керакли қувватга эга бўлган серверлар (захира сервери ҳам) олиниб, ушбу серверларда дастурий воситаларни инсталляцияси ва созлаш ишлари амалга оширилмоқда. Захира сервери Тошкент почтамати биносига ўрнатилиб, у асосий сервер билан оптик толали кабель орқали боғланган.

Ахборот ҳавфсизлиги принципларига асосланган ИАБС 6.5.0 тизими ядроси ишлаб чиқилди ва банк амалиётига татбиқ қилинди.

Шу билан биргаликда давомида жисмоний шахсларнинг ҳисобрақамларини масофадан бошқариш имконини берувчи “Aloqa Mobile” мобил иловасида хорижий валютанинг олди-сотди операцияларини амалга оширувчи онлайн конверсия модули жорий этилди.

Шунингдек, мобил иловада жисмоний шахслар учун тўлов карталаридан пул маблағларининг муддатли омонатларга ўтказилишини таъминловчи “онлайн омонат” модули ҳам ишга тушурилди.

ИАБС дастурий комплексига банкда мавжуд бўлган минибанкларни даромадлари ва харажатларини ҳисобга олиб анализ қилувчи махсус модулнинг 2 босқичи муваффақиятли ўрнатилди.

АТ Алоқабанк бош офиси ҳамда ҳудудий филиаллар билан биргаликда онлайн равишда видеоконференция ўтказиш тизими жорий этилди.

Банкда мавжуд бўлган фақатгина жорий тўлов операцияларини олиб борувчи кассалар ўрнига, барча операцияларни амалга оширувчи универсал кассалар жорий этилди. Ушбу универсал кассаларда халқаро пул ўтказмалари, валюта айирбошлаш операциялари, жамғарма операциялари, бошқа тўловлар амалга оширилади. Шу билан биргаликда АК “Ўзбектелеком” билан биргаликда ушбу универсал кассаларга “PAYS” тўлов дастури ўрнатилди.

“Фидо Бизнес” МЧЖ билан биргаликда Корпоратив Интернет банкинг тизимида юридик шахслар учун қўшимча хисоботлар, тўловларни амалга оширишда қулайликлар жорий этилди.

“Smart bank bone” МЧЖ ташкилоти билан жисмоний шахслар томонидан масофавий хисоб рақам очиш бўйича “Эдукард” тизими 1 босқичи муфаввақиятли якунланди.

“Mobile payment Solutions” МЧЖ ташкилоти билан “PAYMO” мобил иловаси ёрдамида мунис тулов тизимида интеграциясига бўйича тест синовлари муваффақиятли ўтказилди. Бу тизимда бюджет тўловларини онлайн равишда ўтказиш амалга оширилади.

Чорак давомида Банк томонидан юридик ва жисмоний шахслар учун жўнатилган смс-хабарномалар дастурининг янги модули ўрнатилди.

Шу йилнинг IV чорагида банкнинг Ахборот технологиялар департаменти томонидан антивирус химояси юзасидан антивирус дастурининг янги пакети ва модуллари ўрнатилди. Бунда ушбу антивирус дастури орқали банк моддий техник базасининг химояси олди олинади.

ИАБС дастурий комплексига Ходимларни бошқариш хисоботини олиб бориш модулининг янги талқини муваффақиятли ўрнатилди.

ИАБС дастурий комплексига Ходимларни ойлик маошини хисобитини олиб борувчи модулнинг янги талқини муваффақиятли ўрнатилди.

ИАБС дастурий комплексига Обмор хисоботи (Складский учет)ни олиб борувчи модулнинг янги талқини муваффақиятли ўрнатилди.

ИАБС дастурий комплексига банкнинг корреспонденция хисоб рақамларидаги қолдиқлар, тўлов марказидаги ўзгаришлар, банк баланси кунининг очилиши ва ёпилиши каби ҳолатларда зарур банк ходимларининг мобил телефонларига смс хабарномалар жўнатилиши тизими йўлга қўйилди.

АТ Алоқабанк мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш мақсадида янги QMATIC электрон очарлар бош офиси ҳамда худудий филиалларга фойдаланиш тизими жорий этилмоқда.

Ахборот хавфсизлиги фаолияти

Бош банк, Амалиёт бошқармаси ва барча филиалларда ахборот хавфсизлиги кучайтириш юзасидан бир қатор ишлар амалга оширилди.

Жумладан:

- Банк маълумотларининг рухсатсиз четга чиқишини олдини олиш дастурлари Falcongaze Secure Tower DLP дастури сотиб олинди ва реал тарзда ўрнатилди.

- ESET Dynamic Threat Defense Вирусли электрон почта хабарларини аниқловчи (“песочница”) дастури сотиб олинди ва ўрнатилди.

- Банкоматларга “**Mikrotik wap R**” кичик файрвол орқали фақатгина Ягона процессинг марказининг 195.158.31.10 ва 195.158.31.134 IP манзилларига уланиши таъминланиб ўрнатиш ишлари олиб борилмоқда.

- Тизимда имтиёзли фойдаланувчиларнинг (Администратор) хатти ҳаракатини назоратга олувчи One Identify Maneger (Balabit) ва FUDO дастури тест тариқасида ўрнатилди.

- Тизимларда бўлаётган ҳодисаларни реал вақтда назоратга олиш SIEM дастури тест тариқасида ўрнатиш ишлари олиб борилмоқда.

- ESET NOD32 антивируси лицензияси янгиланди ҳамда марказлашган ва индивидуал тарзда антивирус ишлари юритилиши таъминланиб келинмоқда.

- “Проводка” амалларини бажарилган ходимларга босқичма-босқич ЭРИ калитлари билан таъминлаш ишлари олиб борилди.

- Сервер хоналаридаги UPS ва кондиционерларнинг ишлаш фаолияти назоратга олинди.

- Электрон архив ишлари ишларини юритилиши назоратга олинди.

- Ахборот хавфсизлигини таъминлашга доим норматив ҳужжатлар ишлаб чиқилди.

- Ходимлар томонидан дастурларга кириш пароллари ахборот хавфсизлиги сиёсатига мос равишда бўлиши таъминланди.

- Интернетдан фойдаланувчиларнинг хатти ҳаракатлари назоратга олинди.


- Мавжуд Windows компьютерларининг хавфсизлик компонентлари марказлашган ҳолда янгиланди.

Банкнинг электрон тижорат соҳасидаги фаолияти

Банкда электрон тижоратни янада ривожлантириш, аҳоли ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг тўловларини масофадан туриб амалга ошириш ва қабул қилиш тизимини янада такомиллаштириш, салмоғини кенгайтириш борасида барча тўлов тизимлари (**Click, PayMe, Paymo, Beepul, M-Bank, Uray, Oson** ва бошқалар) билан самарали ҳамкорлик йўлга қўйилган.

2019 йил давомида **2 640** та янги E-POS терминаллари рўйхатдан ўтказилиб, натижада уларнинг умумий сони **4 878** тани ташкил қилди. Шунингдек, 2018 йил давомида банкнинг E-POS терминаллари орқали олинган банк даромади **38 069,7 млн. сўм** ва олинган ялпи фойдаси **10 442,3 млн. сўм** бўлса, 2019 йилда банкнинг ушбу фаолиятдан олган даромади **48 837,9 млн. сўмни** ҳамда олинган банкнинг ялпи фойдаси **13 799,6 млн. сўмни** ташкил қилди.

E-POS терминалларида олинган даромад ва ялпи фойда (млн. сўмда)



Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги билан ҳамкорликда Ўзбекистонга ташриф буюриш истагида бўлган чет эл фуқароларига электрон равишда виза расмийлаштириш тизимида тўловларни қабул қилиш лойиҳаси ишга туширилди. Ушбу тизим орқали 2019 йил давомида жами **1 296 230,34 АҚШ доллари** миқдоридаги **53 975** та транзакция амалга оширилди.

2019 йилда UzAvtoSavdo мобил дастури орқали онлайн тарзда автомашина сотиб олиш учун тўловларни амалга ошириш тизими йўлга қўйилиб, йил давомида мазкур тизим орқали **18 648,89 млн. сўм** тўловлар амалга оширилди.

2019 йилда Ўзбекистон почтаси ва Paynet тўлов тизими тармоғида MUNIS тизими орқали давлат хизматлари учун тўловларни қабул қилиш имконияти яратилди ва йил давомида мазкур тизимлар орқали **94 278,88 млн. сўм** миқдорида тўловлар ўтказилиб, **243,62 млн. сўм** соф фойда олишга эришилди.

Шунингдек, Paynet тўлов тизими билан ҳамкорликда 2019 йилнинг июль ойида Paynet шохобчаларида жисмоний шахсларнинг сўм пластик карталарини нақд пул билан тўлдириш (Cash2Card) хизмати йўлга қўйилди. Шохобчалар орқали **120 947, 56 млн. сўм** тўловлар қабул қилиниб, ушбу хизматдан олинган ялпи фойда **111,7 млн. сўмни** ташкил этди.

Ҳозирда, Paynet тўлов тизими билан жисмоний шахсларга нақд пул бериш (Cash out) ва пул жўнатмалари (Cash2Cash) хизматлари ишлаб чиқилган бўлиб, 2020 йил февраль ойида амалиётга татбиқ қилиш режалаштирилган.

2019 йилнинг декабрь ойида Россия Федерациясининг «Золотая Корона» тизими билан ҳамкорликда халқаро пул ўтказмаларини онлайн тарзда қабул қилиш хизмати жорий қилинди. Эндиликда халқаро пул ўтказмаларини банкка ташриф буюрмасдан, тўғридан-тўғри Ўзбекистон Республикасидаги деярли барча банкларнинг Uzcard карталарига кирим қилиш имконияти мавжуд.

Чет элда вақтинчалик меҳнат фаолиятини олиб бораётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига хорижий валютада меҳнат ҳақи тўлаш лойиҳаси доирасида бугунги кунга қадар **89,0 минг** дона Visa Classic карталари чиқарилиб, уларга **38 525,8 минг** АҚШ доллари миқдоридаги пул маблағлари келиб тушди.

2020 йил 1 январь ҳолатига банк томонидан **56,7 минг** дона Uzcard-UnionPay кобейдж карталари муомалага чиқарилди ҳамда шу қисқа вақт ичида улар бўйича дунёнинг 37 та давлатида транзакциялар муваффақиятли амалга оширилди. Кобейдж карта ҳисобрақамларида сақланаётган маблағлар **2 447,3 млн. сўмни** ташкил қилиб, улар бўйича амалга оширилган айланма миқдори **192 707,8 млн. сўмдан** ошди. 2019 йилда мазкур карталарга овердрафт кредитини ажратиш имконияти яратилди.

Uzcard-Unionpay кобейдж карталарини эмиссия қилиш лойиҳасига Ўзбекистон Республикасидаги бошқа банкларни ҳам жалб қилиш ишлари амалга оширилаётган бўлиб, 2020 йил 1 январь ҳолатига уларнинг сони **16 тага** етди.

2019 йилнинг декабрь ойида банк томонидан 2 та янги карта тури жорий қилинди – якка тартибдаги тадбиркорлар учун UnionPay Business ва юридик шахслар учун UnionPay Corporate Gold. Шунингдек, UnionPay кобейдж карталарига халқаро пул ўтказмаларини амалга ошириш имкониятини берувчи Money Express PCT хизмати йўлга қўйилди. АТ “Алоқабанк” ушбу хизмат бўйича ҳисоб-китобларни амалга оширувчи банк мақомини ҳам қўлга киритди.

Хитой Халқ Республикасининг Unionpay International тўлов тизими томонидан банк фаолияти муносиб баҳоланиб, АТ “Алоқабанк” “Йилнинг энг креатив банки” номинациясида ғолиб деб топилди.


АТ “Алоқабанк” МИР пластик карталарининг Uzcard тўлов тизимидаги эквайринги бўйича ҳисоб-китобларни юритувчи банк вазифасини бажариши келишиб олинди. Мазкур ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун 2019 йилнинг май ойида АТ “Алоқабанк” ва Россия Федерациясининг ВТБ банки ўртасида вакиллик ҳисобрақами очиш бўйича келишув имзоланди. МИР карталаридан Uzcard тўлов тизимида биринчи бор нақд пул ечиш операцияси ҳам АТ “Алоқабанк”нинг Самарқанд шаҳридаги банкомати орқали амалга оширилди. Бугунги кунда банкнинг барча банкоматлари орқали МИР карталаридан нақд пул ечиш операцияси йўлга қўйилган. 2019 йил давомида Ўзбекистон Республикасидаги банкларнинг МИР тизимига уланган банкоматлари орқали жами **209,3 млн. сўм** нақд пул ечиб берилган.

Жорий йилнинг декабрь ойида Ўзбекистон Республикасида илк бор МИР тўлов тизими апплетига эга Uzcard карталари муомалага чиқарилди. Мазкур карталар дунёнинг 8та мамлакатада МИР тўлов тизими терминалларида қабул қилинади.

Банк мижозларига ўз ҳисобрақамларини масофадан бошқариш имконини берувчи AloqaMobile мобил дастурининг фойдаланувчилари сони 2020 йил 1 январь ҳолатига **38,4 минг** кишидан ортди. Дастур орқали **256 334,7 млн. сўм** миқдоридаги транзакциялар амалга оширилиб, **1 538,6 млн. сўм** даромад олинди. Жумладан, **Онлайн конверсия** хизмати бўйича ҳисобот даврида **193 962,8 млн. сўм** миқдоридаги транзакциялар амалга оширилган.

-расм

АлоқаMobile дастури фойдаланувчилари сонининг динамикаси



Муддати ўтган кредитлар салмоғини камайтириш ва банк даромадларини ошириш мақсадида график бўйича муддати келган кредитларни мижознинг пластик карталаридан автомат тарзда сўндириш имконияти яратилди. Натижада 2019 йил давомида **18 263,1 млн. сўм** миқдоридаги муддати ўтган кредит қарздорлиги автоматик тарзда ундирилди.

ЖАМОАНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Алоқабанк стратегик вазифаларни муваффақиятли амалга ошириш учун шижоатли ходимлар жамоасини шакллантиришни, уларда профессионал маҳорат ва компетенцияларни ривожлантиришни. Уларга Банкнинг корпоратив маданиятига, замонавий талабларни инобатга олган ҳолда ишлаш учун шарт-шароит яратишни режалаштирган.

- **Компетенция**

Профессионализм, муаммоларни ҳал қилишга қодирлик, шахсий жавобгарлик, натижадорлик, мижозга йўналтирилган фаолият, жамоада ишлаш, шахсий юксалиш.

- **Жамоа**

Ваколат ва масъулият тақсимоти, бирлашган компетенция, вазифаларни коллегиял ҳал қилиш ва мақсадларга эришиш.

- **Корпоратив маданият**

Жамоавий руҳни ва етакчилик фазилатларини ривожлантириш, ўз устида ишлаш ва юксалишни руҳлантириш, корпоратив ахлоқ кодексига риоя этиш, ходимлар, мижозлар ва ҳамкорлар орасида ижобий имиджни яратиш, самарали коммуникация.

- **HR-вазифалар трансформацияси**


Инсон ресурслари таъминотининг узоқ муддатли режалаштирилиши, Банкнинг умумий стратегик вазифаларини бажаришдаги ҳамкори сифатида HRнинг янги роли, ходимларнинг фаоллигини ошириш, ўқитиш, профессионал ривожланиш, мансаб пиллапоясидан ўсишни режалаштириш, ҳар бир ходим самарадорлигини баҳолашнинг KPI моделини татбиқ этиш, HR-мутахассиснинг малакасини ошириш, ходимларни бошқариш соҳасида янги IT-ечимлар.

Ходимлар таркиби

2019 йилнинг охирида Банк ходимлари сони 1 253 нафарни ташкил қилди, уларнинг 827 нафари олий маълумотга эга (69 нафари олий таълим муассасаларида ўқишни давом эттирмоқда), 372 нафари ўрта махсус ва 54 нафари ўрта маълумотга эга. 2019 йилда 204 киши ишга жойлашди.

Ходимларнинг таълим даражаси кесимидаги таркиби

Структура персонала в разрезе уровня образования



4.31%	Ўрта маълумотли
29.69%	Ўрта махсус маълумотли
66.00%	Олий маълумотли

Ходимлар сони ва қўнимсизлиги динамикаси

Динамика текучести кадров




Ходимлар сони Ходимлар қўнимсизлиги

Охирги беш йилда бизнес қўламининг ортиши билан ходимларнинг сони йилига ўртача 3,4 фоизга ўсмоқда. Бунда

кадрларнинг қўнимсизлиги 19 фоиздан 10,69 фоизга камайди.
Ходимларнинг лавозим категорияси бўйича таркиби

Структура персонала в разрезе должностных категорий




8.54%	Техник ходимлар
19.63%	Раҳбар ходимлар
24.02%	Кассирлар
47.81%	Мутахассислар

Банк ходимларининг лавозим категорияси кесимида — ходимларнинг 19.63 фоизи раҳбар ва ўрта бўғин менежерлари, 47.81 фоизи мутахассислар, 24.02 фоизи кассирлар ва 8.54 фоизи техник ходимлар.

Ходимларнинг иш стажи бўйича таркиби

Структура персонала в разрезе стажа работы




Диаграммада йиллар кетма кетлигида қўйган маъқул

22,95%	1-3 йил
11,89%	3-5 йил
16,16%	5-10 йил
48,99%	10 йилдан ортиқ

Ходимлар таркибига уларнинг иш стажи кесимида қарайдиган бўлсак, ходимларнинг 65,16 фоизи Банкда беш йилдан ортиқ муддат давомида ишлаб келмоқда.

Ходимларнинг ёши бўйича таркиби




Диаграммада ёш кетма кетлигида қўйган маъқул

34.96%	30 ёшгача
43.66%	30-40 ёш
15.32%	40-50 ёш
6.07%	50 ёшдан катта

Ходимларнинг ёш таҳлили шуни кўрсатадики, уларнинг 78.61 фоизи 40 ёшгача бўлган ходимлардир.

Ходимларнинг жинси бўйича таркиби



38.71%	Аёллар
61.29%	Эркаклар

Ходимларнинг жинс нуқтаи назаридан таркибига қарайдиган бўлсак, уларнинг 61.29 фоизи эркаклар, 38.71 фоизи аёллардир.

6. Корпоратив бошқарув

Самарали корпоратив бошқарув банкнинг муваффақиятли ишлашининг асосий шарти ҳисобланиб, молиявий ташкилот фаолиятининг самарадорлигини ошириш, барқарор ривожланишни таъминлаш, акциядорлар, мижозлар ва бошқа манфаатдор шахсларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун хизмат қилади.

Банкда корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштиришда:

- АТ “Алоқабанк”да корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳоловчи ташкилотни жалб қилган ҳолда йилига камида бир марта баҳолатиш;

- Акциядорлар умумий йиғилиши қарорига асосан, ҳар йили мустақил профессионал ташкилотлар – маслаҳатчиларни жалб қилган ҳолда бизнес-жараёнлар ва лойиҳаларнинг банкнинг ривожланиш мақсадларига мувофиқлиги юзасидан таҳлил ўтказиш ишлари амалга оширилади.

Банкда комплаенс назорати тизимини такомиллаштириш борасида қуйидаги ишлар амалга оширилади:

- Банк ва унинг ходимлари томонидан ўз фаолиятини амалга ошириш жараёнида юзага келадиган манфаатлар қарама-қаршилигини олдини олиш ва уларни бартараф этиш;

- Халқаро ташкилотларнинг тавсиялари ва директиваларига ҳамда бизнесни юритиш бўйича энг яхши халқаро амалиётларнинг талабларига амал қилиш;

- Банк, унинг Мижозлари ва аффилиланган шахслар (шу жумладан раҳбарлар, бенефициар эгаллик қилувчилар (Мижознинг реал эгалари), обуначилар)нинг Банкнинг ички ҳужжатлари билан белгиланган комплаенс-талабларга мувофиқлигини жорий назорат қилиб бориш;

- Инсайдерлик ахборотидан ноқонуний фойдаланишга ва бозорда манипуляция қилишга қарши курашиш. Инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш.

Мазкур йўналишда амалга оширилган ишлар натижасида:

Халқаро Базель қўмитаси талаблари, мижозларнинг истак ва эҳтиёжларига, банк акциядорлари манфаатларига мос келувчи, бозор инфратузилмаси ўзгаришларига қисқа фурсатда мослашиш имконини берувчи замонавий бошқарув ва ташкилий тузилма шакллантирилади;

Банкда юзага келиши мумкин бўлган манфаатлар қарама-қаршилиги, инсайдерлик ахборотларидан фойдаланишнинг тизимли механизми, мижозларга хизмат кўрсатишнинг жаҳон талабларига жавоб берувчи илғор стандарти яратилади.

№	Банкнинг йирик акциядорлари	Улуши (фоиз)
1	Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси	77,2 %
2	Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги	5,66%
3	«Ўзбектелеком» АК	2,34 %
4	«Электромагнит мослашув маркази» Давлат унитар корхонаси	2,63 %
5	Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси	7,87 %
6	Бошқа юридик шахслар	3,94%
7	Жисмоний шахслар	0,36%

8. Қўшимча маълумотлар.

Филиаллар тармоғи:

- ❖ **Амалиёт бошқармаси**, 100047, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 4-уй.
Тел.: 0 (371) 230-77-77, Факс: 233-47-10
- ❖ **Қорақалпоғистон филиали**, 230100, Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри, Дўстлик гузари кўчаси, 102-уй.
Тел.: 0 (361) 222-03-18, Факс: 222-03-20
- ❖ **Хоразм филиали**, 220100, Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, Ал-Хоразмий шоҳкўчаси, 106-уй.
Тел.: 0 (362) 228-82-01, Факс: 228-82-01
- ❖ **Наманган филиали**, 160133, Наманган вилояти, Наманган шаҳри, Тўрақўрғон кўчаси, 75-уй.
Тел.: 0 (369) 233-29-68, Факс: 233-29-68
- ❖ **Андижон филиали**, 170111, Андижон вилояти, Андижон шаҳри, Пахтакор кўчаси, 12-уй.
Тел.: 0 (374) 227-85-35, Факс: 227-85-35
- ❖ **Бухоро филиали**, 200114, Бухоро вилояти, Бухоро шаҳри, Қаюм Муртазаев кўчаси, 6а-уй.
Тел.: 0 (365) 223-27-44, Факс: 223-23-54
- ❖ **Сурхондарё филиали**, 190110, Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 9а-уй.
Тел.: 0 (376) 224-12-94, факс: 224-26-62
- ❖ **Самарқанд филиали**, 140100, Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳри, Бўстонсарой кўчаси, 36-уй.
Тел.: 0 (366) 231-10-00, Факс: 231-59-00
- ❖ **Қашқадарё филиали**, 180100, Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 47-уй.
Тел.: 0 (375) 223-07-77, Факс: 223-07-77
- ❖ **Навоий филиали**, 210600, Навоий вилояти, Кармана тумани, Янги ариқ ҚФЙ.
Тел.: 0 (436) 539-99-99, Факс: 532-27-09
- ❖ **Фарғона филиали**, 150100, Фарғона вилояти, Фарғона шаҳри, Б. Марғинович кўчаси, 69а-уй.

Тел.: 0 (373) 244-44-55, Факс: 244-44-55

- ❖ **Жиззах филиали**, 130100, Жиззах вилояти, Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 6-уй.

Тел.: 0 (372) 226-64-04, Факс: 226-64-04

- ❖ **Қўқон филиали**, 150702, Фарғона вилояти, Қўқон шаҳри, Туркистон кўчаси, 1-уй.

Тел.: 0 (373) 543-33-55, Факс: 542-33-55

- ❖ **Миробод филиали**, 100060, Тошкент шаҳри, Нукус кўчаси, 22-уй.

Тел.: 0 (371) 255-80-08, Факс: 255-51-59

Минибанклар тармоғи:

- ❖ **«Келес» минибанки**, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Келес ш., К. Ғофуров кўчаси, 17-уй. Тел: 0 (370) 965-04-40
- ❖ **«Нурафшон» комплекс хизмат кўрсатиш маркази**, Тошкент вилояти, Нурафшон шаҳри, Бобур кўчаси, 1 уй. Тел: 0 (370) 762-00-07
- ❖ **«Бўстонлик» минибанки**, Тошкент вилояти, Ғазалкент шаҳри, Мустақиллик кўчаси, Тел: 0 (370) 742-12-45
- ❖ **«Телерадиокомпания» минибанки**, Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, Навоий кўчаси, 69-уй. Тел: 0 (371) 244-83-79
- ❖ **«Шайхонтохур» минибанки**, Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, Навоий кўчаси, 8-уй. Тел: 0 (371) 230-43-65
- ❖ **«Яшнобод» минибанки**, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Авиясозлар кўчаси, 17 уй, (Янгиобод телефон боғламаси ичида). Тел: 0 (371) 294-85-68
- ❖ **«Олмазор» минибанки**, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Уразбоев кўчаси, 21 уй, тел. 0 (371) 229-11-81
- ❖ **«Ходжейли» минибанки**, Қорақалпоғистон Республикаси, Хўжайли шаҳри, Дўстлик кўчаси, 27-уй. Тел: 0 (361) 554-55-12
- ❖ **«Халқобод» минибанки**, Қорақалпоғистон Республикаси, Кегейли тумани, Халқобод ш., Дўстлик кўчаси 74-уй. Тел: 0 (595) 601-03-31
- ❖ **«Элликқабла» минибанки**, Қорақалпоғистон Республикаси, Элликқабла тумани, Ўзбекистон кўчаси, 6-уй. Тел: 0 (361) 585-15-66
- ❖ **«Бешқабла» минибанки**, Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри, Нукус-Турткуль магистали, (Савдо комплекси ҳудудида). Тел. 0 (591) 388-85-11

- ❖ **«Шаҳар» минибанки**, Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, Пахлавон Махмуд кўчаси, 23-уй (Марказий бозор ҳудудида). Тел: 0 (362) 228-51-95
- ❖ **«Хива» минибанки**, Хоразм вилояти, Хива шаҳри, Феруз кўчаси, 10 уй.
Тел. 0 (362) 375-46-46
- ❖ **«Ҳонқа» минибанки**, Хоразм вилояти, Ҳонқа тумани, Нафосат кўчаси, 23 уй. Тел.
0 (591) 437-59-95
- ❖ **«Қурилиш бозори» минибанки**, Наманган шаҳри, 8 март кўчаси, 10-уй.
Тел: 0 (369) 234-25-91
- ❖ **«Дўстлик» минибанки**, Наманган шаҳри, Дўстлик кўчаси, 5-уй.
Тел: 0 (369) 234-27-23
- ❖ **«Яшил бозор» минибанки**, Наманган шаҳри, 5-микрорайон, Дўстлик кўчаси, 18а-уй, Яшил бозор ҳудудида. Тел: 0 (369) 232-23-59
- ❖ **«Марҳамат» минибанки**, Андижон вилояти, Марҳамат тумани, Ипак йўли кўчаси, 37-уй. Тел: 0 (374) 391-11-08
- ❖ **«Шаҳар» минибанки**, Андижон шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 282-уй.
Тел: 0 (374) 235-45-03
- ❖ **«Косон» минибанки**, Қашқадарё вилояти, Косон шаҳри, Бухоро йўли кўчаси, 1-уй. Тел: 0 (375) 592-12-89
- ❖ **«Орзу» минибанки**, Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри, Хонобод кўчаси, 2-уй.
Тел: 0 (375) 223-01-26
- ❖ **«Шаҳрисабз» комплекс хизмат кўрсатиш маркази**, Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз тумани, Заргарлик МФЙ, Зеболик кўчаси, 12 уй.
- ❖ **«Шаҳар» минибанки**, Бухоро шаҳри, Б.Нақшбандий кўчаси, 40-уй.
Тел: 0 (365) 223-00-01
- ❖ **«Пешку» комплекс хизмат кўрсатиш маркази**, Бухоро вилояти, Пешку тумани, Ўзбекистон кўчаси, 13 уй, тел. 0 (365) 353-33-53
- ❖ **«Денов» минибанки**, Сурхондарё вилояти, Денов шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 54-уй. Тел: 0 (376) 413-13-47
- ❖ **«Узун» минибанки**, Сурхондарё вилояти, Узун тумани, Ўзбекистон кўчаси, 12-уй. Тел: 0 (376) 447-37-55
- ❖ **«Жарқўрғон» минибанки**, Сурхондарё вилояти, Жарқўрғон тумани, Жарқўрғон шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 14-уй. Тел: 0 (376) 432-38-71
- ❖ **«Шеробод» минибанки**, Сурхондарё вилояти, Шеробод тумани, Мустақиллик кўчаси, 101-уй. Тел: 0 (376) 322-20-89

- ❖ **«1-сонли» минибанк**, Навоий вилояти, Навоий шаҳри, Халқлар Дўстлиги кўчаси, 3а-уй. Тел: 0 (436) 223-41-40
- ❖ **«Ипак Йўли» минибанки**, Жиззах вилояти, Жиззах шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 72-уй. Тел: 0 (372) 223-72-08
- ❖ **«Зомин» минибанки**, Жиззах вилояти, Зомин тумани, Катта боғ МФЙ, Мустақиллик кўчаси. Тел. 0 (372) 392-16-13
- ❖ **«Ғаллаорол» минибанки**, Жиззах вилояти, Ғаллаорол тумани, Мустақиллик кўчаси. Тел. 0 (372) 432-22-44